

2022 йил 19 майдаги 25-ВК/2022-сонли шартномага
1-сонли ҚЎШИМЧА КЕЛИШУВ

«Бухоро вилояти, Пешкў тумани, “Навгахон” МФЙ аҳоли пунктини ичимлик суви билан
таъминлаш учун ташқи сув тармоқлари»

Бухоро шаҳри

«27» май 2022 йил

Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси» кейинги уринларда «Буюртмачи» деб аталиб ҳамда Низомга асосан компания директори Ф.Б.Жаллиев бир томондан ва «O'zbekkommunalloyihaqurilish» ДУК кейинги ўринларда «Иш бажарувчи» деб аталиб ҳамда Низом асосида иш юритувчи номидан бош директор Э.А.Мухамедалиев иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида мазкур келишувни туздилар:

Мазкур келишувни тузишдан мақсад - Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси» ва «O'zbekkommunalloyihaqurilish» ДУК ўртасида: «Бухоро вилояти, Пешкў тумани, “Навгахон” МФЙ аҳоли пунктини ичимлик суви билан таъминлаш учун ташқи сув тармоқлари», объекти бўйича 19.05.2022 йилдаги 25-ВК/2022 - сонли шартноманинг 4 боб, 4.1.-бандига қўшимча ўзгартиришлар киритишди.

1. Шартнома бўйича амалга ошириладиган ишларнинг баҳоси ҚҚС билан – 104 000 000 (Бир юз тўрт миллион) сўмни ташкил этади.

2. Ушбу шартноманинг мазкур қўшимча келишув билан ўзгартирилмаган барча бандлари ўз кучида қолади ва томонлар уларни бажаришга мажбурийдир.

3. Қўшимча келишувда томонларнинг розилиги билан қўшимча ва ўзгартиришлар киритиши мумкин.

4. Мазкур қўшимча келишув 19.05.2022 йилдаги 25-ВК/2022 - сонли шартномага илова қилиниб, унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

5. Томонлар қўшимча келишув имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

6. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛИ ВА ҲИСОБ РАҚАМЛАРИ

«БУЮРТМАЧИ»

«ИШ БАЖАРУВЧИ»

«Бухоро вилояти ҳокимлиги Ягона
буюртмачи хизмат инжиниринг компанияси»

“O'zbekkommunalloyihaqurilish” ДУК

Манзил: Бухоро шаҳри, Пр. Навои 5
тел. 223-63-23, 223-63-26
Х/р: 301121860064017063201018014
ИНН 201512962 ОКОНХ 69000 ОКЭД 70100
Бухоро вилоят Ғазначилик бошқармаси
Х/р: 23402000300100001010
Марказий банк Тошкент шаҳри
МФО 00014 ИНН 201122919

Манзил: Тошкент ш. Ниёзбек йули кўчаси, 1
Тел: 71-234-16-07, 71-234-80-82
Х/Р: 2021 0000 8001 0150 0001
Банк: АКИБ «Ипотека банк» Меҳнат филиали
ИНН: 201 059 118
ОКОНХ: 66000, МФО: 00423
ОКЭД: 71120
ҚҚС тўловчиси рег.коди: 326030018165

Компания раҳбари Ф.Б.Жаллиев
М.У. (имзо)

Бош директор Э.А.Мухамедалиев
М.У. (имзо)

Ҳуқуқшунос Д.Соибов
Лицензия ЮК № 006116

Ҳуқуқшунос: Ш.Элчибаев

Ш.Б.: Р.Хайитов

Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш учун

25-ВК/2022-сонли ШАРТНОМА

22110012083791-сонли лот

Бухоро шаҳри

19 май 2022 йил

Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси» келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб аталиб Низомга асосан компания директори **Ф.Жаллиев** бир томондан «**О'zbekkommunalloyihaqurilish**» ДУК кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб аталиб ҳамда Низом асосида иш юритувчи номидан бош директор **Э.Мухамедалиев** иккинчи томондан мазкур лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш бўйича шартнома туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 Бухоро вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компаниясининг 2022 йил 17 майдаги 83791 - сонли электрон баённомасига асосан бажарувчи «**Бухоро вилояти, Пешкў тумани, “Навгаҳон” МФЙ аҳоли пунктини ичимлик суви билан таъминлаш учун ташқи сув тармоқлари**» объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тайёрлашни ўз зиммасига олади.

1.2. Буюртмачи лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун топшириқ бериш, лойиҳа-смета ҳужжатларини тузиш учун зарур бўлган дастлабки маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиб олиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

1.3. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларини амалдаги тартиб-қоидалар ва меъёрларга риоя этган ҳолда ишлаб чиқади.

1.4. Бажариладиган ишлар тартиби, амалга ошириш муддатлари қуйидаги тартибда:

- бажариладиган ишлар муддатининг календар режаси 1-иловага мувофиқ;
- асослаштирилган келишув баённомаси 2- иловага мувофиқ белгиланади.

Ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

2. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. **Буюртмачининг мажбуриятлари:**

2.2. Буюртмачи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш.

2.3. Тайёр бўлган лойиҳа-смета амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш мажбуриятини олади.

2.5. **Бажарувчининг мажбуриятлари:**

2.6. Бажарувчи ишларни техник топшириқ ва келишилган график асосида ўз вақтида сифатли бажаришни, Буюртмачи билан бажарилган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишиш;

2.7. Объектнинг қурилиш-монтаж жараёнида муаллифлик назоратини олиб бориш ишлари амалга ошириши шарт;

2.8. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, бир ҳафтадан ошмаган муддатда, талаб қилинган сифат даражасида ўз ҳисобидан қайтадан бажариш мажбуриятини олади.

3. ИШЛАРНИНГ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Қуйидаги шартларнинг тўлиқ амалга оширилганда тарафлар имзоланган шартнома мажбуриятларнинг бажарилиши бошланган ҳисобланади.

3.2. Ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан 3 нусхада лойиҳа-смета ҳужжатлар тўпламини топширади.

3.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг руйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда. икки томонлама далолатнома тузилади.

3.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш бир-бирини хабардор қилиши ва 15 иш кунида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхталиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

3.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзaro ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

4. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ

4.1. Шартнома бўйича амалга ошириладиган ишларнинг баҳоси қўшимча қиймат солиғи билан – **104 000 000 (Бир юз тўрт миллион)** сўмни ташкил этади.

4.2. «Буюртмачи» шартнома имзолангандан сўнг шартнома баҳосининг 30 % миқдорида бўнак (аванс) тўловини амалга оширади. Қолган 70% тўлов бажарилган ишларни тасдиқловчи ҳужжат (далолатнома)га асосан тўловни амалга оширилишини маълум қиламиз.

4.3. Ишлар қиймати узел-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта куриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- ишлар қиймати кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган яъни (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

- ишлар Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тарафлар бажармаганда мазкур шартноманинг амалдаги талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларига мувофиқ, шунингдек шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига (ШНК 1.03.01-08) мувофиқлиги юзасидан жавоб беради.

5.2. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган тартибда тасдиқлангунга қадар жавоб беради. Лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини сифатини ошириш мақсадида бепул қайта ишлаб чиқади.

5.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

5.4. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиққан ҳолларда, томонлар келишувига эришмаган тақдирда, қонунларда белгиланган тартибда ва иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.5. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширилганда шартлашилган ҳақи кечиктирилган ҳар бир кун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 фоизи миқдорида Бажарувчига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.6. Бажарувчи томонидан смета ҳужжатларини тайёрлаш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.7. Шартнома «Бажарувчи»нинг ташаббуси билан бекор қилинганда, шартнома бекор қилингунга қадар бажарилган ишлар учун тўланган маблағ «Бажарувчи»га қайтарилмайди.

5.8. Шартнома муддатидан олдин бекор қилиш таклифини билдирган тараф 10 кун олдин муддатда иккинчи тарафни хабардор қилиши лозим. Бунда тарафлар ўртасида ҳақиқатда амалга оширилган ишлар бўйича белгиланган ҳужжатлар асосида тўлиқ ҳисоб-китоб қилинган ҳолда амалга оширилади.

Бажарувчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китоблардан аниқланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларни ўз вақтида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

5.9. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

6. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

6.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч), эпидемия ва ҳ.к. оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар бўлмайди.

6.2. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

6.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларини ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Иқтисодий судида кўриб чиқилади.

7. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА УНГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ.

7.1. Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

8. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛИ ВА ҲИСОБ РАҚАМЛАРИ «БУЮРТМАЧИ» «ИШ БАЖАРУВЧИ»

«Бухоро вилояти ҳокимлиги Ягона
буюртмачи хизмат инжиниринг компанияси»

“O'zbekkommunalloyihaqurilish” ДУК

Манзил: Бухоро шаҳри, Пр. Навои 5
тел. 223-63-23, 223-63-26
Х/р: 301121860064017063201018014
ИНН 201512962 ОКОНХ 69000 ОКЭД 70100
Бухоро вилоят Ғазначилик бошқармаси
Х/р: 23402000300100001010
Марказий банк Тошкент шаҳри
МФО 00014 ИНН 201122919

Манзил: Тошкент ш. Ниёзбек йули кўчаси, 1
Тел: 71-234-16-07, 71-234-80-82
Х/Р: 2021 0000 8001 0150 0001
Банк: АКИБ «Ипотека банк» Меҳнат филиали
ИНН: 201 059 118
ОКОНХ: 66000, МФО: 00423
ОКЭД: 71120
ҚҚС тўловчиси рег.коди: 326030018165

Компания раҳбари Ф.Б.Жаллиев
М.У. (имзо)

Бош директор Э.А.Мухамедалиев
М.У. (имзо)

Хуқуқшунос: Д.Соибов
Лицензия ЮК № 006116

Хуқуқшунос: Ш.Элчибаев

Ш.Б.: Р.Хайитов

2022 йил 19 майдаги
25-ВК/2022-сонли шартномага
1-илова

**Бажариладиган ишларнинг календар
РЕЖАСИ**

Объектнинг номланиши	Бажариш муддати	
	Бошланиши	Тугаши
«Бухоро вилояти, Пешкў тумани, “Навгахон” МФЙ аҳоли пунктини ичимлик суви билан таъминлаш учун ташқи сув тармоқлари» объекти буйича лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш ва Давлат экспертиза бошқармасига топшириш	шартнома баҳосининг 30 % миқдорида бўнак (аванс) тўловини амалга оширилгандан сўнг 10 кун	

«БУЮРТМАЧИ»

«Бухоро вилояти ҳокимлиги Ягона
буюртмачи хизмат инжиниринг
компанияси»

«ИШ БАЖАРУВЧИ»

“O’zbekkommunalloyihaqurilish” ДУК



Компания раҳбари
М.У.

(имзо)

Ф.Б.Жаллиев

Бош директор

М.У.

(имзо)

Э.А.Мухамедалиев

2022 йил 19 майдаги
25-ВК/2022-сонли шартномага
2-илова

Шартнома баҳосининг келишув Б А Ё Н Н О М А С И

Биз қуйида имзо чекувчилар: Бажарувчи, «Бухоро вилояти, Пешкў тумани, «Навгахон» МФЙ аҳоли пунктини ичимлик суви билан таъминлаш учун ташқи сув тармоқлари» объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачининг топшириғига асосан ишлаб чиқишни ўз зиммасига олади.


Ишлаб чиқиш бўйича 2022 йил 19 майдаги 25-ВК/2022-сонли (22110012083791-сонли лот) шартнома баҳосини қўшимча қиймат солиғи билан **104 000 000 (Бир юз тўрт миллион)** сўмга тенг деб келишилганини тасдиқлаймиз.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

«БУЮРТМАЧИ»

«Бухоро вилояти ҳокимлиги Ягона
буюртмачи хизмат инжиниринг
компанияси»

Компания раҳбари
М.У.



(имзо)

Ф.Б.Жаллиев

«ИШ БАЖАРУВЧИ»

«O'zbekkommunalloyihaqurilish» ДУК

Бош директор
М.У.



(имзо)

Э.А.Мухамедалиев